



**КУН
НАФАСИ**

Давлатимиз раҳбари **Ўзбекистон театр санъати ходимларига табрик** йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 26 март куни Икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ишида иштирок этиш учун Тошкентда бўлиб турган **Қирғиз Республикаси Бош вазири Улукбек Мариповни қабул** қилди.



«Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматлари ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.



Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Қирғиз Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг тўққизинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш олдидан икки мамлакат Бош вазирлари **Абдулла Арипов ва Улукбек Марипов** тор доирада музокара ўтказди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири **Абдулла Орипов «Дўрмон»** ижод уйи ҳудудида яшаб, ижод қилган уйга ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.



Зомин физиятрия диспансери фойдаланишга топширилди.

Ҳиндистоннинг машҳур «Times of India» журнали **Ўзбекистоннинг диққатга сазовор масканлари** ҳақида мақола чоп этди.



Сирдарёда БМТ Тараққиёт дастури доирасида аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар амалга оширилди.



Россиянинг **Kaгi бренди Ўзбекистонда** завод очиб, йилга 10 миллион жуфт **пойабзал ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.**

«Маҳаллаларда миллий кадрятларни мустаҳкамлаш ҳафталиги» доирасида Самарқанд вилояти **Оқдарё туманидаги 2 та маҳалла фуқаролар йиғинлари биноси фойдаланишга топширилди.**



Япониянинг Фукусима префектурасида «Токио-2020» Олимпиада машъаласининг эстафетаси бошланди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнги маълумотларига кўра, хозиргача **дунё бўйича 459 миллион киши कोरोनाвирусга қарши эмлаб бўлинди.**

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2021 йил
27 март
шанба
№ 42
(4482)

Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Тошкент
вилояти



«Ақлли шаҳар»

УЧУН ЯНА БИР ЯНГИ МАСКАН

Нурафшон шаҳрида Давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди

Янги Ўзбекистон харитасида янги маскан – Тошкент вилоятининг маъмурий маркази – Нурафшон шаҳри пайдо бўлганига ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Режа бўйича бу республикада биринчи «Ақлли шаҳар» бўлади.

Бугун 49 минг нафарга яқин фуқаро истиқомат қилаётган шаҳарда айна палларда бунёд-

корлик ва яратувчилик ишлари қизғин давом этмоқда. Замонавий ва шинам бинолар, янги йўллар барпо этилмоқда.

Яқинда Нурафшон кўрғига кўрк кўшиб турган иншоотлар сафига Давлат хизматлари марказининг янги биноси ҳам қўшилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тadbирда вилоят ҳокими Даврон Ҳидоятлов, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги директори Улуғбек Муҳаммадиев, БМТ Тараққиёт дастурининг (UNDP) Ўзбекистондаги вакили Матилда Димовска, давлат ва жамоат ташкилотлари масъуллари, меҳнат фахрийлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Қайд этиш жоизки, Давлат хизматлари агентлиги Европа Иттифоқи ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон қишлоқ жойларида давлат хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш ва бошқарув даражасини ошириш» лойиҳасини амалга оширмоқда. Лойиҳа доирасида мамлакатимиздан 5 та, шу жумладан, Нурафшон шаҳридаги янги Давлат хизматлари маркази тажриба тариқа-

сида танлаб олинган.

Анъанавий архитектура ва халқаро меъморий дизайн асосида қурилган бинода барча қулайликлар мавжуд. Марказ бир вақтнинг ўзида 16 нафар, бир кунда 400-450 нафар фуқарога хизмат кўрсата олади. 6 та мониторинг 150 дан ортиқ давлат хизмати турлари ҳақида доимий маълумот бериб борилади.

– 2020 йилда 37 мингдан зиёд давлат хизматлари кўрсатилди, – дейди Нурафшон шаҳар Давлат хизматлари маркази директори Мирсаид Султонов. – Яқка тартибдаги тadbиркор сифатида 484 та, юридик шахс сифатида 282 та янги тadbиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилди.

Марказнинг янги биносида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу, ўз навбатида, ахборот тизимларининг идоралараро интеграция қилинишини яхшилаб, аҳолига давлат хизматларини қулай ва ўз вақтида олиш имконини яратди.

Ғуломжон
МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»



МУАММОНИ ҚАЙД
ЭТИШ ЭМАС, ҚАЛ
ҚИЛИШ МУҲИМ



ИЛЛАТНИНГ ИЛК
ИЛДИЗЛАРИ

ЁХУД МАКТАБГАЧА
ТАЪЛИМДА КОРРУПЦИЯНИ
ЙЎҚОТИШ
ЧОРАСИ БОРМИ?



ОҚ ХАЛАТГА
ДОҒ ТУШИРМАНГ!



Акс-садо

Ўзбекистон касабա уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

12-11 қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Алифбо ислоҳи йўлида

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштиришга доир лойиҳа эълон қилингандан кейин лойиҳа бўйича оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Шундай мулоҳазалардан бири сифатида «Ishonch» газетасида педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошевнинг мақоласини кўрсатиш мумкин.

товушларнинг сони қарлуқ лаҳжасидаги унлилар сонидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳар уч лаҳжа товушларини битта алифбода акс эттиришнинг имкони йўқ. Адашганликда айбланаётган болболаримиз ана шу жиҳатни ҳисобга олган бўлсалар не ажаб.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Яъни бугун жуда катта авлод каби фақат битта лаҳжа (фақат қипчоқ ёки фақат ўғуз лаҳжаси)да сўзламайди. Ўзбек тили 3 лаҳжа товушларини ўзида бирлаштирган тилдир. Табиийки, қипчоқ лаҳжасидаги унли

алифбода муайян ҳарфлар билан акс эттирсак, нима бўлади? Бунда бир сўзидаги и товуши билан кийик сўзидаги и товушини, «иккига ажратмоқ» маъносидagi ў товуши билан «юз бермоқ» маъносидagi ў товушини фарқлаб ёзиш кони машаққатга, лингвистик мушоҳадага айланади.

Олим айтганидек, тугуқ белгиси алифбодан жой бермаслик, х ва ҳ ҳарфларини бирлаштириб юбориш ҳам нодуруст ишдир. Негаки ўзбек тили жуда узоқ йиллик ёзма анъаналарга эга тил, ана шу

анъаналарга содиқлик туфайли бу тилда жуда катта адабиёт яратилди, бадиий баркамоллашди. Агар тугуқ белгиси чиқарилиб, х ва ҳ ҳарфлари бирлаштириладиган бўлса, ўзбек тили ўзининг ёзма анъаналаридан беғоналашади, бадиият билан боғлиқ ярим тароватидан айрилади. Ёзма анъаналарга содиқлик тилнинг ифода имкониятларини тиррик сақлайди.

Ёрқин ОДИЛОВ,
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти бўлим бошлиғи, филология фанлари доктори, доцент

Наманган
вилояти

Таълим ва фан ходимлари касабա уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши ҳамда Наманган шаҳар халқ таълими бўлими ҳамкорликда педагог ходимлар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этди.

Спартакиада

УСТОЗЛАР МУСОБАҚАСИ

Наманган шаҳрининг 8 та ҳудудидаги 91 та мактабдан 1092 нафар ходим спортнинг шахмат-шашка, стол тенниси ва волейбол турлари бўйича мусобақалашди. Ғолиб жамоалар иштирокида волейбол бўйича 41-умумтаълим мактабида, стол тенниси бўйича «Баркамол авлод» болалар спорт мактабида ҳамда шахмат-шашка бўйича «Шоҳруҳ» шахмат клубида финал босқичи бўлиб ўтди.

Бундан ташқари, тизимдаги 1-, 2-, 3-, 8-, 18-ДИМИ, Академик лицейлар, мактаб-интернатлари, касб-ҳунар коллежлари ўртасида НамМТИ академик лицейида ҳам спортнинг бир неча турлари бўйича баҳслар уюштирилди.


Спартакиада якунида ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Акmalжон УМАРОВ,
Таълим ва фан ходимлари касабա уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси

Келгуси сонларда ўқинг...



Токайгача... «СВЕТ» ўчади?



Қулай ва яхши, лекин...



Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам...

Ишчи гуруҳ фаолияти

МУАММОНИ ҚАЙД ЭТИШ ЭМАС, ҲАЛ ҚИЛИШ МУҲИМ

Муаммонинг мазмун-моҳияти, қўламини англамасдан унга ечим топиб бўлмайди. Гарчанд қишлоқ аёли муаммоси йиллар давомида тилга олиниб келинган бўлса-да, амалда жўяли бир иш қилинмади. Муаммони кўтарган билан, унинг ичига кириб борилмаса яна нимани кутиш мумкин?

Мавжуд ёндашувлардан қоникмаган давлатимиз раҳбари ишни «маҳаллабай», «хонадонбай» ташкил этиш ташаббусини ўртага ташлади. Эндликда аёлга уйда, томорқада, қишлоқда шароит яратиб бериш чоралари кўрилади.

Хотин-қизлар муаммолари ўрганилган, қайд этилган. Тутган «дафтари» ҳам ярама етди. Натига қандай? Биз бу муҳим топшириққа қай тахлитда ёндашамиз. Умуман олганда, маҳалла ва хонадон тизимини шакллантириш, ижрога йўналтиришга тушунчимиз етаттимиз?

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов Самарқанд вилоятида бу йўналишдаги ишларнинг ташкил этилиши ва шаффофлиги билан танишди. Урган, Нуробод тумани, бир қатор маҳаллалардаги мулоқотлар қизгин, самарали кечди.

Нуробод вилоятида энг муаммоли ҳудудлардан бири сана-

лади. Туманининг аксар аҳолиси тоза сув тақчиллигидан азият чекади. Табиатнинг нодир бу неъматини «қулочлаб» ер қазиб ҳам топиб бўлмайди. Ховлисиди гиёҳ ундиршининг эвини қилолмаган қанча. Аммо уларда ҳам орзу, интилиш бор. Шароитдан нолимаса-да, имкон берилишидан умиддор. «Аёллар дафтари» юритилишида масаланинг ана шу жаҳатлари ҳам назардан четда қолмапти.

Туманимизда илк босқичда «Аёллар дафтари»га киритилган 911 нафар аёлдан 409 нафарининг талаби қаноатлантирилди, дейди Нуробод тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбари ўринбосари Ҳикоят Ҳазратова. Уларни ўз ҳудудларида, оиласидан узоқлашмаган ҳолда иш билан таъминлаш чораларини кўряпти. Тўғри, қишлоқларнинг тарқоқлиги, масофа олислиги панд берган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Аммо имкон қилдирилган изза тортиб қолмайди. Шу чоққача доимий иш ўринларига эга бўлмаган 222 нафар хотин-қизнинг 108 нафарининг бандлиги таъминланди.

Шароит Нуробод тумани раҳбарларидан омилкорлик билан иш юритишни тақозо этади. Шу боис ҳам режалаштирилган иш ўринлари жуғрофий жойлашувга мосланмоқда. Маса-

лар вакиллари билан мулоқотда бўлди. Уларнинг барча талаблари қаноатлантирилган, дейди ишчи гуруҳ вакили, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Самарқанд вилоят бирлашган қўмитаси раиси Сиросиддин Иззатуллаев. Эҳтиёжмандлардан бирига уй берилиб, 3 нафар аёл истиқомат қилаётган хонадонлар таъмирдан чиқарилган. 91 нафар хотин-қизга асос-ускуналар олиб берилиб, ўзларини-ўзлари иш билан банд этиш имконияти яратилди.

Ишчилик оиламида бир қатор қийинчиликларни юзага келтириб бўлсам-да рўзгордан ортиб бирор жойда ишлаш олмадим. «Аёллар дафтари»ни шакллантириётганларга мўжизалимни айтдим. Талабим эвазига банкдан 20 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. 3 та замонавий тикув машинаси хариб қилиб, уч кишини иш билан таъминладим. Икки нафар қизим ҳам буюртмаларни бажаришда кўмаклашиб, тикувчилик сирларини ўрганишпти.

Нурободда «Аёллар дафтари»га битилган муаммолар ижросини таъминлашга астойдил киришилган. Қўрганларимиз ва эшитганларимиздан келиб чиқиб фикрласак, бунинг уйдасидан чиқиш учун имконият ҳам, фурсат ҳам етарли.

Нурободда «Аёллар дафтари»га битилган муаммолар ижросини таъминлашга астойдил киришилган. Қўрганларимиз ва эшитганларимиздан келиб чиқиб фикрласак, бунинг уйдасидан чиқиш учун имконият ҳам, фурсат ҳам етарли.

Нурободда «Аёллар дафтари»га битилган муаммолар ижросини таъминлашга астойдил киришилган. Қўрганларимиз ва эшитганларимиздан келиб чиқиб фикрласак, бунинг уйдасидан чиқиш учун имконият ҳам, фурсат ҳам етарли.

Боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор, ногирон фарзанд тарбияси билан машғул оила-

Самарқанд вилояти



Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»

Орамиздаги одамлар

Юз фоизлик муҳаббат...

Муҳаббатнинг ҳам фоизи бўладими, дерсиз. Бўлар экан. Лекин бу ҳақда сал кейинроқ...

Тадбиркор Моҳира Халилова ўрта ёшдаги замондошимиз. Унинг раҳбарлигидаги ташкилотда тикув цехи, савдо дўконлари ишлаб турибди. Бугун унга ҳавас қиладиганлар кўп. Фарзандлари олий маълумотли. Ажойиб турмуши, замонавий, барча қулайликларга эга уй-жой, машинаси бор. Аммо айтиб қўйишим керакки, гап фақат моддий бойликда эмас. Ишбилармон аёлнинг маънавияти, шижоатида ҳам... Гап шундаки, бугун унинг шарофати билан нафақат оила аъзолари, балки яқин қариндошлари ва яна атрофдан 5-6 киши ишли бўлган. Уларнинг кўнгли қувончини тадбиркор ўзиники деб билди, бирга қувонади, бирга севинади... Муҳими, у ҳалол меҳнати натижасида катта натижаларга эришпти. Атрофдаги дўсту-ёрлари билан суҳбатларда ҳам қаерда кўнгли ярим ва эътиборга муҳтож кишилар бўлса, сўраб-суриштириб, улар орқали совға-саломлар бериб юбориш касби савобли ишлар унинг доимий одати.

«Аввалига мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаётган Моҳира кўнглининг бир четида «битта дўкон очиб ишлатсам» деган фикрини пишиштириб юрарди. Турмуш ўртоғи унинг бу фикрини қўллаб-қувватлади ва Туябўғиз қўрғониди (Тошкент денгизи) кичик озик-овқат дўконини очди.

Кейинчалик эса ёш оила пойтахтдаги гавжум савдо нуқталаридан бирига келди. Аввалига ижарага дўкон олиб аёллар учун либослар савдоси йўлга қўйилди. Ёнида турмуш ўртоғи, атрофида мактабда дарсдан кейин келиб ёрдамлашадиган фарзандлари... Уларга меҳр қўрсатиш ҳам эздан чиқмади. Шу тахлит қаҳрамонимиз ўз ишини ривожлантириб борди.

Бу жараён учун қарийб 20 йил вақт ўтди. Бир оиланинг 20 йиллик умри яхши тадбиркор сифатида шаклланиш учун сарфланди. Бугун Моҳира ҳаётидан, эришган натижаларидан, кимларгадир нафи тегаётганидан, нафи тегиши учун имконияти етаётганидан мамнун. – Атрофга меҳр билан қараш керак, ақилларни 100 фоиз муҳаббат билан севиш керак, 1 фоиз кам бўлса ҳам етмайди, фақат 100 фоизлик меҳр зарур, – дейди у.

Ҳа, интилганга, эзгу мақсадларга толе ёр. Бугун Моҳира Халилованинг ҳаёт йўли ва эришган ютуқларида ҳам бунинг қўришимиз мумкин. Муҳтасар айтганда, бугун «Замонамиз қаҳрамони»га керак бўладиган жиҳатларнинг барчаси Моҳирада мужассам. «Муқаддас аёл» деб аслида у каби оддийликдан мавоффақиятга эришганларни эъзозлашимиз керак, менимча.

Фарида ТОЖИБЕОВА

Хоразм вилояти



Хивалик Барно Матқаримова ҳозирда буён икки нафар фарзанди билан ижарама-ижара сарсон-у саргардон эди. Ўн бир йил аввал турмуш ўртоғидан ажралган аёл тақдирнинг турфа синовларини бошидан ўтказишига тўғри келди. Сақиз ийл оиласи нотурар бинонинг бир хонасида ашадди. Яқинда Хива шаҳар ҳокимлиги томонидан Барнога икки хонали уй олиб берилди.

– Орзуларим ушалди, – дейди Барно. – Яхши инсонларга раҳмат! Янги таъмирдан чиққан, ҳамма жиҳозларга эга турар жойга эга бўлдим.

«Аёллар дафтари» қўллаб муаммоларга ечим бўлаётганини Барно каби минглаб инсонлар тақдирини кўриш мумкин. Ўтган даврдан Хива шаҳар ҳокимлиги томонидан «Аёллар дафтари»га киритилган икки аёлга иккиламчи бозордан турар жой олиб берилди. Олти нафар ижтимоий оғир шароитда яшовчи хотин-қиз эса бошланғич бадал пул-

«Аёллар дафтари»даги ёзувлар: ЭНДИ УЛАРНИНГ ҲАМ ЎЗ УЙИ БОР

лари тўлаб берилган ҳолда имтиёзли кредит асосида уй-жой соҳибига айланмишди.

Қувонарлиси, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган хайр-у саховат тадбирлари саҳий юрдошларимизни ҳам хайрли ишларга даъват қилмоқда. Хива шаҳар бош имом хатибининг «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган муҳтож инсонларга уй қуриб бериш ташаббусини қўллаб хиваликлар қўллаб-қувватлади. Шаҳар ҳокимлиги ажратган икки минг метр квадрат майдонда қисқа фурсатда 14 та турар жой қад ростлади. Улардан 7 таси ўз эгаларига топширилди. 7 тасида таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Ушбу турар жойлардан би-

рига эга бўлган Роза Назарованинг юзини қувонч кўз ёшлари ювади. Не ажабки, тўртинчи қизни дунёга келтиргач, турмуш ўртоғи «ношуд хотин» ва «дардисар қизлар»дан воз кечиб, кетган эди.

– 12 йил тўрт фарзандим билан ижарама-ижара юрдик, – дейди Роза. – Неча марта қаҳратон қишда кўчада қолиб кетдик. Пешонамизга уйли бўлиш битилган экан. Аллоҳга шукр!..

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, янги уйларнинг иккитаси Хивадаги болалар шаҳарчасида тарбияланиб, бу йил ўн сақиз ёшга тўлганларга ажратилди. Ҳозирда бир уйга тўрт нафар қиз, яна бирига тўрт нафар йигит кўчиб ўтди.

– «Аёллар дафтари»га киритил-

ган ҳар бир опа-синглимизнинг муаммосига ечим бор, – дейди Аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ишчи гуруҳи аъзоси Муяссар Раҳимова. – Кунни кеча ишчи гуруҳи ва Хива шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар учун меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди. Умуман, бугунги кунгача мазкур дафтардан жой олган хивалик 2837 нафар аёлдан 1389 нафарининг муаммоси ҳал қилинишига эришилди.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА, «ISHONCH»

Фарғона вилояти

Этибор

Ўзбекистон санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалида 111 нафар профессор-ўқитувчи ва ишчи-ҳодим ёш авлодга илм бериб келмоқда. Ходимларнинг меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимояси ва саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш маъмурият ва касабаси уюшма қўмитасининг ҳақиқат-этиборида.

Ютуқлар сири нимада?

Олий ўқув юртида касабаси уюшма қўмитаси раиси сифатида фаолият юритаётган Раҳматжон Қўзибоевни жамоадoshiлари жонқуяр инсонлиги учун хурмат қилишади.

Хусусан, ўтган йили 3 нафар ходимнинг оиласида кўнглисиз ҳолат рўй берди. Бу касабаси уюшманинг этиборидан четда қолмади. Бундан ташқари, оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган 13 нафар аъзога ёрдам пуллари ажратилди.

– Яхши ва ташвишли кунимизда касабаси уюшмаси доимо ёнимизда, – дейди филиалнинг Маркетинг бўлими иқтисодчиси Нозимахон Мирзаева. – Меҳнат са-

марали бўлиши учун ходимларга рағбат жуда ҳам зарур. Озгина этибор, қўллаб-қувватлаш инсонни яна ҳам кўпроқ изланишга, улкан марраларни забт этишга ундайди. Аини шу жиҳатларни, маъмурият ва касабаси уюшма қўмитаси ҳақиқат эътиборида тутди. Аиниқса, саломатликни тарғиб қилишга қаратилган спорт тадбирлари, мусобақалар қўллаб ўтказилди.

Саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бераётди: раҳбарият ва касабаси уюшма қўмитаси ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижасида жамоа кун сайин катта ютуқларга эришмоқда.

Ўз муҳбиримиз

Сурдарё вилояти

Боёвут туманидаги 52-мактаб касабаси раиси Нодир Мелқўзиев ёш етакчилардан. Ҳисобот-сайловда унга ишонч билдирилгач, енг шимариб ишга киришди. Жамоада ишлаётган 75 нафар аъзонинг меҳнат ва дам олиш шароити билан қизиқди.

Мактабда янги бинада фаолият бошлаган эди. Эндликда 10 та замонавий синф хонаси, 16 та методик ва маъмурий хона, халқаро тадқиқот ва мажлислар учун техник шароитларга эга бўлган 26 та хона мавжуд. Шунингдек, интернет тармоғи ва техникаси, кузатув камераси ва радиоэзел аппарати билан таъминланган. Энг муҳими, мактаб директори Баҳром Алиевнинг ташаббуси билан касабаси уюшма қўмитасига алоҳида, барча қулайликларга эга хона ажратилди.

Мактабда ходимлар ҳимояси, иш ҳақи ўз вақтида берилиши ҳамда жамоа шартномасининг барча бандлари бажарилиши касабаси уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда олиб берилмоқда. Бундан ташқари, меҳнат хавфсизлиги, муносиб иш ўрни назорати йўлга қўйилган. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ва комиссия фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда жамоа шартномаси бажарилишига бағишланган умумий йиғилишда мактаб директори ва касабаси раиси ҳисоботи тинланди.

Қорақалпоғистон Республикаси



«Оқ кема»да илк бор болалар учун баҳорги дам олиш ташкил қилинди

2020 йилнинг 22 март кунидан бошлаб Мўйноқ туманидаги «Оқ кема» болалар дам олиш ва соғломлаштириш марказида Қорақалпоғистон касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси болаларнинг баҳорги дам олишини кўнгилли ўтказиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида «Баҳор келди, Наврўз келди!» шиори остида 100 нафар боланинг дам олишини уюштирди.

Болаларнинг баҳор ойларида марказда дам олишини ташкил қилиш республикамизда биринчи марта амалга оширилмоқда. Марказда 8 кун давомида маданий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар, спорт му-



Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»

Саломатлик тадбирлари

эга бўлган маънавий-маърифат хонаси, бой китоб фондида эга замонавий ахборот-ресурс маркази, керакли асос-ускуналар ҳамда намунавий маърифий кўргазмаларга эга тўғрақ хоналари бор. Шунингдек, болалар спорт анжумлари билан тўлиқ таъминланган футбол, баскетбол, волейбол майдончаларида ўйнаб, мазмунли дам олмақда.

«Оқ кема» болалар марказидаги баҳорги дам олиш мавсуми жорий йил 29 март куни якунланади.

Есимхон ҚАНОАТОВ, «ISHONCH»

Тан олиш керак, кейинги йилларда мактабгача таълим сифатини ошириш мақсадида соҳада туб бурилишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, тизимда унинг ўзагига сингиб кетган коррупцияга қарши чоралар кўрилмоқда. Аммо... Соҳа ҳақида сўз юритар экансиз, барибир... Вазир – Агриппина Шиннинг ОАВга берган интервьюларининг бирида «Коррупция мактабгача таълимда шунчалик тизимли тус олганки, уни металл зангига ўхшатиш мумкин. Қачонки занг металл эмира бошласа, иш жараёни тўхтамаслиги учун металлнинг ўша қисмини бутунлай бошқасига алмаштириш керак бўлади» деган гаплари ёдга тушаверади.

Ҳўш, соҳада коррупцияни бутунлай йўқотиш чораси борми? Биз ана шу саволга жавоб изладик.

Мулоҳаза учун мавзу

АМАЛДА НИМАЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ?

Шу пайтгача амалга оширилган муҳим ишлардан бири «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги қонуннинг 44-моддасида: «Қасддан жиноятлар содир этгани учун илгари ҳукм қилинган шахслар мактабгача таълим ташкилотларида педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас» деб белгиланишига эришилди. Илгирлари жазодан қутулиб чиққан собиқ ходимлар ёки мудирлар ҳам яна мактабгача таълим тизимида ишлаётган. Эндиликда эса бунга йўл қўйилмади. Ҳозирда ана шу янгилик ҳам ходимларни тўғри ишлашга ундамоқда.

Бундан ташқари, яқиндан бошлаб боғчалар қошида очик деворий кўргазмалар ташкил этилмоқда. Ҳозирча бундай кўргазмани Сергели туманидаги 539-, 569-боғчаларда кўздан кечириш мумкин. Унда «ўлик жонлар»га барҳам бериш, иш ўринларини шаффоф эълон қилиш мақсади кўзланган бўлиб, кўргазмада боғчада ишлаётган барча ходимларнинг исми шарифи, лавозими, ойлик маоши миқдори ёзиб қўйилди. Шу билан бирга бўш иш ўринлари ҳам очик туради. Натижанда барча ходимлар амалда ким қандай ишлаётгани-ю, қандай маош олаётгани ёки қайси иш ўрни вакансия эканини билишади. Мудира амалда ўзи йўқ ёки ишламаётган ходимларга маош ёзолмайди.

ҚАНДАЙ ТАКЛИФЛАР БОР?

Мактабгача таълим тизимида ҳам янги қурилишларга эҳтиёж жуда катта. Вазирлик ташкил этилган, гуруҳлардаги болалар сони меъёрлашиб, 30 нафардан ошгани йўқ. Аммо бунга кўпроқ 2 ёшдан болаларни боғчага қабул қилмаслик орқали эришилмоқда. Статистик рақамларга эътибор қилсак, ҳозирда давлат боғчалари сони 6.000 га яқин. Ваҳоланки, 1990 йилларда уларнинг сони 9834 та эди. Ушундан аҳоли 20 миллион 322 нафар бўлган. Ҳозирда эса аҳоли 34,5 миллиондан ошганига қарамай, давлат боғчалари сони 1990 йилдагидан сезиларли даражада кам. Тўғри, 2010 йилларда бирин-кетин давлат боғчаларининг ёпилиб кетиши оқибатида, улар 5375 тагача камайиб кетганди. Аммо охириги йилларда улар фаолиятини қайта тиклашга муваффақ бўлинди ва янги боғчалар сони ошмоқда. Аммо очилаётганларининг ҳам кўпи асосан, хонадон, хусусий ва хусусий-шериклик асосида фаолият кўрсади. Аҳоли орасида эса давлат боғчаларига эҳтиёжмандлар сони кўп.

Айни пайтда пойтахтдаги аксарият давлат боғчаларида бўш ўринлар бармоқ билан санарли даражада.

Туманларда эса бир пайлар 200-300 хонадон яшаган маҳалалар бугун минг, икки минглик қишлоқларга айланиб, болалар боғчасига катта зарурат пайдо бўлган. Айниқса, шаҳар худудларида айрим оилаларда оналарнинг ишлашига эҳтиёж юқорилиги боис 5-6 ойлаб, баъзида яши боғчаларга эса йиллаб навбат кутишга тўғри келмоқда. Оқибатда ота-оналар узоқ навбатда туриш ўрнига «мудира билан келишишни маъқул кўриб, сўнг юқоридагидек ноқонуний ҳолатлар яна қайталанишига сабаб бўлмоқда. Мазкур муаммога хусусий боғчалар эса, айнан тўлов ўртақ оилани қониқтирадиган давлат боғчалари сонини кўпайтириш орқали ечим топиш мумкин.

Бошқа коррупцион ҳолат кидланганидек, ахборотлаштириш, ходимларнинг ойлик маошларини кўтариш, савдо ва харид тизимида шаффофликни йўлга қўйиш орқали йўқотишга эришилган экан, вазирилик юқори турғучи органларга яна таклифлар билан чиқши тарафдоримиз. Энди бошланаётган деворий кўргазмаларни бундан-да мукамаллаштириб, оммалаштириш, бутун республика бўйлаб йўлга қўйиш керак. Чунки бу ҳозирча катта харажат талаб қилмайдиган, аммо айрим ноқонуний ишларнинг олдини олиши мумкин бўлган самарали методлардан бири.

Келгусида шу каби йўллар орқали мактабгача таълим тизимидаги коррупция илдишларини йўқотишга эришилмаса, анчайин томир отиб кетган иллатлар тизимни моддий ва маънавий жиҳатдан емириб, соҳадаги ислохотларнинг оёғидан тортиб тураверади. Шундай экан, тизимдаги имкониятлар айрим раҳбар ҳамда мансабдорларнинг ноқонуний молия манбаига айланиб қолмади, деб ким кафолат бера олади?

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Менинг фикрим



НАЗОРАТ КЎПАЙГАН, КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ...

Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилганидан кейин 2017 йилда коррупцион ҳолатларни аниқлаш учун ички аудит молиявий ва ҳуқуқий назорат хизмати йўлга қўйилди. Ушбу аудит хизмати ходимлари сони мавжуд боғчалар сонига нисбатан жуда оз бўлса-да, (республика бўйича 40 нафар) ҳозирча боғчаларда юзага келётган молиявий хато ва камчиликлар, шунингдек, талон-тароқларнинг сабаби ва илдишларини аниқлашга, имкон қадар олдини олишга ҳаракат қилмоқда. 2017 йилдан то ҳозирга қадар боғча ва туман мактабгача таълим бўлиmlарида олиб борилган ўрганишлар натижасида 1508 та ўрганиш ҳужжати ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қонуний чора кўриш учун юборилган, айрим ҳолатларда жиноий иш қўзғатилган.

2020 йилнинг ўзида назорат тадбирлари сони 611 тани ташкил этган ва унда 51,8 миллиард сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланиб, 550 та ташкилот бўйича ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун прокуратура органларига тақдим этилган. Уларнинг аксариятини ноқонуний харажат ва камомадлар, давлат харид қонунчилиги талабларининг бузилиши ва бухгалтерия ҳисоби қондаларининг бузилиши ташкил этган бўлса, қолган қисми бюджет ва ташкилот ҳисобига кўшимча ҳисобланган даромадлардан иборатдир.

Назорат тадбирларида аниқланган камчиликлар сони ва миқдори кўплигининг сабаби улар фақат 2020 йилгагина тегишли эмас, ундан олдинги йилларга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Масалан, Чуст туманидаги 11-мактабгача таълим ташкилотига 2016-2020 йиллар давомида 98 миллион сўм нақд пуллар ходимларга берилмаган бўлса, 14 нафар ўз вазифаларини бажармаган ходим номига 145,7 миллион сўм иш ҳақи ўзлаштирилган. Ушбу тумандаги 19-МТТда эса 2018-2020 йилларда 8 нафар ходим номига ҳисобланган 67 миллион сўм нақд пуллар эгасига етиб бормаган, 10 нафар ўз вазифаларини бажармаган ходим номига 63,8 миллион сўм иш ҳақи ноқонуний ҳисобдан чиқарилган.

«КЕЛИШУВ» ОҚИБАТЛАРИ

Аниқланган жиноятлардан бири «Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламенти» талабларига зид равишда 451 нафар боланинг мактабгача таълим ташкилотларига ноқонуний қабул қилинганидир.

Бу нимадан далolat беради? 451 нафар бола мактабгача таълим муассасасидаги рўйхатга киритилмасдан боғчага қатнаган. Мазкур рақам назорат тадбирларида аниқланганлари, аниқланмаганлари янада кўпроқ бўлиши мумкин. Бунда ота-оналар боласини туман ёки шаҳар давлат хизматлари агентлигида навбатда туриб, боғчага жойлаштирилмасдан, мудира билан «келишиб» ноқонуний йўл тутган. Ушбу ҳолатда боғча учун бадал пули тўланса-да, аммо у белгиланган расмий ҳисоб рақамга эмас, боғча мудирасининг чўнтагига келиб тушади. Бундан ташқари, шунча бола рўйхатда бўлмагандан кейин уларга озиқ-овқат харажатлари ҳам ажратилмайди ва ўз-ўзидан болалар, боғчада расмий рўйхатда турган болалар озуқасига шерик бўлади.

Энди айтинг-чи, ўзлаштирилган пулларни жойига қўйиш мумкин, олиб кетилган мебель ёки моддий ашёларни қайтариш мумкин, аммо бола бугун ейиши керак бўлган 50 грамм гўшт маҳсулотини ўрнига 30 грамм еса, уни эртага жойига қайтаришининг иложи борми? Боланинг ўша кунги ризқини тўлдириб бўлмайди-ку?

451 нафар болалар эса ота-оналари ва боғча раҳбарларининг виждонсизлиги, масъулиятсизлиги оқибатида ана шундай «қора рўйхат»га тушиб, ўзгаларнинг ҳақига шерик бўлган.



Фарғона вилояти

Бетарафлар кимлар?

Бетарафлик сўзининг луғавий маъноси «қўшилмаслик», «холислик» деган маънони англатади. Жамиятнинг бир аъзоси сифатида эсимни таниганимдан буён нафақат ҳокимият органлари, бошқа ваколатли, расмий йиғилишларда ҳам раислик қилувчи ҳар қандай қарор ёки таклифни ўртага ташлаб, «ёқловчилар», «қаршилар», «бетарафлар» деган сўзларни тилга олиб, иштирокчиларнинг муносабати билдиришларини сўрайди. Табиийки, овозлар ҳисоб-китоб қилинганда, ёқловчилар ҳисобига ҳамиша ҳам кўп овоз билан ҳужжатлар қабул қилиниб, фикрлар маъқулланади. «Қаршилар», «бетарафлар»нинг муносабати аҳамиятсиз қолаверади.

Энди мулоҳаза юритсак. «Қаршилар»да-ку, бирор фикр ёки ўзгаририлиши керак бўлган қандайдир фикрлар бўлиши мумкин, аммо улардан ҳам аксарият ҳолларда нима учун қаршилиги сўралмайди. «Бетарафлар»чи улар кимлар? Айниқса, ваколатли йиғилишларда, хусусан, минглаб сайловчи номидан сўзлайдиган, фикр билдирадиган катта-кичик мавқедаги депутатларнинг бетараф қолиши мумкинми? Чуқурроқ мушоҳада қилиб кўрсилса, бундай кўр-кўрона эркинлик паноҳида сохтакорлик, маънисиз расмиятчилик яширинганини англаб



**Миллатнинг
лк илдишлари**

ЁХУД МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА КОРРУПЦИЯНИ ЙЎҚОТИШ ЧОРАСИ БОРМИ?

«ЎЛИК ЖОНЛАР»

2020 йилда аниқланган йирик коррупцион ҳолатларда ишламаётган ходимлар – «ўлик жонлар» номига маош ёзиш ҳам каттагина кўрсаткичи ташкил этган. Каттақўрғон шаҳридаги 10-МТТда 900 миллион, Олмасор туманидаги 509-МТТда 301 миллион, Пешку туманидаги 22-МТТда 202 миллион, Миришкор туманидаги 8-МТТда эса 150 миллион сўм маблағларнинг бир қисми «ўлик жонлар» номига ёзилиб, ўзлаштириб юборилган.

Ҳўш, вазирилик неча йилдан буён тизимни ислох қилишни истаётган экан, бу ҳолатларга сабаб бўлаётган омилларни ўрганмаётими? Наҳотки, уларни бартараф этишининг имкони бўлмасми? Ушбу савол билан вазириликнинг ички аудит, молиявий ва ҳуқуқий назорат хизмати бошлиғи Дилшод Норматовга муурожаат қилдик.

– Албатта, буларнинг ўзига хос сабаблари бор, – дейди у. – Масалан, боғча директорининг маоши 1,827,520 сўмдан 1,960,970 сўмгача. Даромад солиғига 12 физ ўшлаб қолинса, қўлга тегадигани янаям камаяди. Ошпазлар эса бир кунда уч маҳал овоз тайёрлашига қарамасдан 826,514 сўм (солиғи билан) маош олади, яъни бир миллион сўмга ҳам етмайди. Туман мактабгача таълим бўлими бош ҳисобчисининг маоши эса 1,926,000 сўм. Ёрдәмчилариники ундан ҳам кам. Шундай бўлгач, мудира ҳам, ошпаз ҳам, ҳисобчи ҳам, агар инсоф-диёнатли бўлмаса, коррупцион харажатларга қўл уриши эҳтимол бор. Ишчиларнинг маошини ошириш бўйича таклиф берилган, бу масала босқич-ма-босқич кўриб чиқилади.

Демак, тизимда ходимларнинг кам ойлик маошлар билан ишлаётгани ҳам коррупцион ҳолатлар юзага келишига сабаб бўлаётган омиллардан бири бўлиб, аллақачон тегишли жойларга таклифлар берилганига қарамай, бу масала ҳамон очиклигича қолиб келмоқда. Натижанда эса...

ИЛМИЙ ВА ТЕХНИК ЕЧИМЛАР

Ҳар қандай муаммога ечим топиш мумкин. Фақат тегишли ташкилотлар ва бошқарув тизимидаги раҳбарларда истак, фойдали фойларни қўллаб-қувватлаш иштиёқи ва аниқ мақсадли режалар керак ҳолос. Мактабгача таълимда ҳам бу борада яхши таклифлар айтилмоқда.

– Мана масалан, – дейди Д.Норматов, – ойлик маошларни оширишдан ташқари, тизимнинг барча жараёнларига ахборот технологияларини кенг жорий этиш, бухгалтерия ҳисоб ва ҳисобот тизимини содаллаштириш ҳамда автоматлаштириш орқали бир-бирини тақрирлаётган ишлар ҳамжамини қамрайтиришга ва иш самарадорлигини оширишга эришилади, соф рақобатни таъминлаш ҳамда харид қилинаётган товар ва хизматларнинг сифатини ошириш мақсадида тендер (танлов) харидлари шаффофлигини таъминлаш лозими бўлади. Бу жараёнларни амалга ошириш мактабгача таълим вазирлигигагина боғлиқ эмас ва бирмунча маблағ талаб этади.

Бундан ташқари, ижтимоий соҳада қасддан содир этилган жиноятлар – талон-тароқлик ва моддий ўзлаштиришлар учун белгиланган жарималар миқдорини ошириш лозим. Кўп ҳолатларда Жиноят кодексининг 70-моддаси («Шахсининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш»), 71-моддаси («Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлгани муносабати билан жазодан озод қилиш») моддалари билан ёки Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси («Айбллик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иштини тугатиш») кабилар асосида айбдорлар жазодан осон қутулишади.

Кўпинча эса «Оз миқдорда талон-тароқ қилиш» айби билан айбдор деб топилганлар, яъни ташкилотларнинг мол-мулкни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фибригарлик йўли билан оз миқдорда талон-тароқлик қилганлар базавий ҳисоблаш миқдорининг бир (245000 сўм) бараваридан беш (1225000 сўм) бараварига миқдорда жарима тўлайди. (Талон-тароқ қилинган мулкнинг қиймати БМНнинг 30 бараваридан (7350000 сўм) ошмаса, у оз миқдордаги талон-тароқлик деб ҳисобланади.)

5 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари камомадига йўл қўйилганда эса 245 000 ёки узоғи билан 1 миллион 225 минг сўм жарима тўлайди. Бу эса амалга оширилган жиноят ишларига нисбатан ўта енгил жазодир. Тизимда коррупцион харажатлар қамайиши учун бундай жазо чораларини ҳам қучайтириш керак. Сабаби, боланинг бузилган ҳуқуқлари тикланмади, яъни 10 кун берилмаган гўштин бир кунда едириб қўйишининг ҳам сира иложи йўқ.

5 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари камомадига йўл қўйилганда эса 245 000 ёки узоғи билан 1 миллион 225 минг сўм жарима тўлайди. Бу эса амалга оширилган жиноят ишларига нисбатан ўта енгил жазодир. Тизимда коррупцион харажатлар қамайиши учун бундай жазо чораларини ҳам қучайтириш керак. Сабаби, боланинг бузилган ҳуқуқлари тикланмади, яъни 10 кун берилмаган гўштин бир кунда едириб қўйишининг ҳам сира иложи йўқ.

ятига дахлдор бўлган қонун қабул қилинаётган пайтда депутат ёки сенаторнинг бетараф туришини ақлга сиғдириб бўладими?! Айтайлик, туман ҳокимияти кенгаши сессиясида маҳаллий бюджетнинг ўтган даврдаги ижроси ҳақидаги ёки давлат ерини талон-тароқ қилган, ундан мақсадли фойдаланмаган фермернинг ерини олиб қўйиш тўғрисидаги жиддий масалалар муҳокама қилинапти. Маъруза ёки ахборотни тинглаган депутат, қарор қабул қилиш пайтида бетараф туриши мумкинми? Албатта, мумкин эмас. Шундай бўлгач, кун тартибидан халқимизнинг энг илғор худуд, ёнқи, бутун юрт тақдирига дахлдор бўлган қатлами руҳиятида оздир-кўпдир лоқайдлик кайфиятини уйғотувчи «бетараф»лиқдан воз кечиш вақти келган кўринади. Қотиб қолган қолиплардан чиқиб, янги Ўзбекистонда янгича фикрлашга дадилроқ ўтсак, сайловчилар ўз вакилларидан рози бўларди.

Бу менинг шахсий фикрим, албатта. Сиз бунга нима дейсиз, муқтарам ўқувчи?

Ҳадичахон КАРИМОВА,
Фарғона вилояти хотин-қизларининг «Ойдин» газетаси бош муҳаррири



«Ishonch» газетасининг 2021 йил 23 январ-даги сониди Самарқанд шаҳрида яшовчи Усмон Каримовнинг «Шаҳарни чароғон қилиш мумкинми?» деган саволи мутасаддилар эътиборига ҳавола этилган эди. Ушбу муурожаатга Самарқанд шаҳри ҳокимлиги муносабат билдирди:

ЧИРОҚЛАР ЎРНАТИЛАДИ

Мазкур муурожаат Самарқанд шаҳри ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди. Самарқанд шаҳри кўр-кўши ва тунги вақтда қўчалар чароғонлигини таъминлаш мақсадида 2020 йил давомида шаҳри-мизнинг Навоий шоҳ кўчаси, Беруний ҳамда Буюк Ипак йўли кўчалари бўйлаб тунги ёритиш чироқлари билан биргаликда беэақли чироқ (иллюминация) лар ўрнатилган.

Самарқанд шаҳри бўйлаб яна бир қанча кўчаларда шу каби тунги ёритиш чироқлари ўрнатилиши юзасидан дастур асосида смета-лойиҳа ҳужжатлари тузилган бўлиб, унда шаҳримиз кўчалари бўйлаб тунги ёритиш чироқлари ўрнатилиши режалаштирилганини маълум қиламиз.

Самарқанд шаҳри ҳокими **Б.ОБЛАҚУЛОВ**

Эълонлар

«НУҚУҚ ВА МАЈБУРИЯТ» адвокатлик бюроси таъсисчисининг 2021 йил 25 мартдаги қарорига асосан Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 1049 реестр тартиб рақами билан 2018 йил 18 июлда давлат рўйхатидан ўтказилган адвокатлик бюроси тугатилаётгани маълум қилинади.

2006 йилда Яққасарой туманидаги 48-мактаб томонидан Одилова Асалхон Дилшод қизи номига берилган 11-синфини тугатганлиги тўғрисидаги О'Р-Ш № 0528274 рақамли Шаҳодатнома йўқолгани маълум қилинади.



Обидовнинг «бошқача» жиҳатлари

Ёш мухбирлардан бири бокс бўйича ўн икки раундди даҳшатли «жанг»да ҳозиргина ғалаба қозонган, терга ботиб ҳансираб турган Майк Тайсондан ҳаёти, ушбу олишув ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилганим, машҳур боксёр: «Бу саволингизга мен эмас, мушт ва зарбаларим мендан кўра яхшироқ жавоб беради, уларга мурожаат қилинг» дея мухбирни эркалагани муштраб қўйган экан.

Миллий журналистикада кўпларга узоқ йиллар ибрат намунаси бўлиб қоладиган таниқли касбдошимиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муҳаммаджон Обидов ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Унинг серқирра фаолияти, мураккаб ижод йўли, мухбирлик лабораторияси, ҳозиржавоб ва ташкилотчилиги, раҳбарлик қобилияти, ҳеч кимга оғиз очмайдиган «ичим-дан топ»ларни ҳам гапиртириб юбориш маҳоратини билмоқчи бўлганлар, бу ҳақда ўзидан сўраб ўтирмай, ёзган китобларига, эфирга узатилган туркум кўрсатув ва фавқулодда муҳим репортажларига, таҳлилий мақолаларига мурожаат қилганлари маъқул. Уларни ҳеч бир муболағасиз, маҳорат сабоқлари дейиш мумкин.

Анча йиллардан бери вилоят журналистикасига бироз бошқача руҳда бошқош бўлиб турган дўстимизнинг «Журналист сурштируви» сарлавҳали китоби билан танишган ўқувчи захматли касбимизнинг кўзга кўринмас, қўлга илинмас мураккабликлари-ю, ёзилганидан кўп ёзилмаган кўплаб қонунлари ҳам борлигидан хабардор бўлади, айна чоғда, мухбир сифатида юрт кезиб, жамиятни муҳим янгиликлар билан бирга, ечимини кутиб ётган муаммолардан хабардор қилганингда ҳам кимнингдир ғашига тегишинг, анча-мунча ташвишга қолишинг ойдинлашади. Вақтдан ютқизасан, кайфиятинг бузилади, аммо, барибир, ҳақиқат сен томонда бўлади.

Телевидение учун журналист сурштируви бир кунда суратга олинмайди, бир кунда ёзилмайди ҳам. Ойлаб, ҳафта-лаб тер тўкиш, изланиш керак. Икки-уч, керак бўлса, уч-тўрт томонни тоқат билан тинглашга, ким ҳақ, ким ноҳақлигини аниқлашга, ким одоб сақлаб турибди-ю, ким қуруқ гапдонлик қилмоқда – буларнинг ҳаммасини ғалвирдан ўтказишга тўғри келади. Муҳаммаджон бу босқичлардан сабр-тоқат билан ўтди, журналист сифатидаги жасорати қуроли жанглар давом этаётган таҳлилки Боткен ва Сароисийе дараларидан йўллаган теле-репортажларида ёрқин акс этди. Хитой ва Мисрдан тайёрлаган таҳлилий кўрсатувлари турли соҳа мутахассисларида ҳам

жадидий қизиқиш уйғотди. Фақат шу эмас, муаммоли ички мавзуларга бефарқ бўлмай, уларни профессионал даражада матбуот саҳифалари, телеэкран орқали жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқди. Муҳаммаджон ижодининг ибратли жиҳатларидан бири – ҳозиржавоблик. У ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетини турли йилларда битирган касбдошлари орасида айна шу жиҳати билан ҳам кўзга ташланади. Бугунги гапни бугун айтишга, ижодкор сифатида эртанги кун об-ҳавоси-ю, нарх-навосини бошқалардан кўра эрта-роқ идрок этишга ҳаракат қилади. Бу борада унга кўпинча омад қулиб боқади.

Мавзу танлашда Обидовга ҳавас қиласак арзийди. Нега дейсизми? Негалиги шундаки, истиклол йилларида Хитойга сафар қилган бирор киши Муҳаммаджон каби бу ерда ғўза ораларига қандай ишлов берилишига, Хитой от заводларида вояга етаётган дудулларнинг қадим Фарғонага қандай алоқаси борлигига қизиқмаган. Улуғ муаллим Конфуций ўғитларини ўзбек тилига ўғириб, икки тилли китоб қилишни хаёлига ҳам келтирмаган.

Яна бир жиҳати – журналист Обидов ўзи яхши билган, тушуниб етган, фикри-зикридан ўтказган ва ёзмаса бўлмайдиган мавзулар устида ишлайди. Муаммоларнинг илдиизига бориб етади ва аёвсиз очиб ташлайди. Агар ҳамма журналистлар ҳам бунинг уддасидан чиқшиганида, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Ша-

рафидинов уларга хат ёзган, «Э, отангга раҳмат» деган бўларди. Устоз бор-ўйги тўрт кишига – Салмон Рудида, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспаровга ва адабиёт-шунос олим Иброҳим Ҳаққулга мактуб йўллаган. Муҳаммаджон ушбу рўйхатни якунлаб турибди. Бу тўрт мактуб моҳият жиҳатидан тенг бўлинади: дастлабки иккитаси «Ўзидан кетганларга муносиб жавоб», кейинги иккитаси эса маҳорат эътирофи.

Мақоламиз бошида «вилоят журналистикасига бироз бошқача руҳда бошқош» бўлиб турган дўстимиз», деган тушунарсизроқ жумла ўтди. Муҳаррир «Бу нима дегани?», деб устидан чиқиб тортиб туриб, унга изоҳ берай: вилоят журналистикаси бош бўлишининг ўзига яраша мезёлари бор. Газета-журналлар вақтида чоп этилиши, журналистлар маҳорати тўхтовсиз ошиб бориши, мавзулар янгилашиши, ошкораликка риоя қилиниши, иш ҳақи вақтида тўланиши, фоллар рағбатлантирилиши керак.

Жаноб Обидов бу талабларни рад этмайди, аммо масалага бошқача кўз билан ҳам қарайди. Унинг фикрича, журналист бир жойда узоқ туриб қолмаслиги керак. Қўлида ижод қалами бор одам жаҳон кезса, бошқа мамлакатлардаги ҳамкасблари би-

Тўйхат ўрнида

лан танишса, дунёвий муаммоларни бир-галликда муҳокама қилса, ижодида, дунёқарашида, албатта, ўсиш, ўзгариш бўлади. Шундан келиб чиқиб, Муҳаммаджон масъулиятни зиммага олиб, фарғоналик журналистларнинг Москва, Санкт-Петербург шаҳарларига, Хитой, Корея ва бошқа хорижий давлатларга ижодий сафарини уюштиради. Мустақил Ўзбекистон ҳақида телелавҳа, слайдлар тайёрлаб, у ерларда намойиш этади, ижодий ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузишга эришади.

Шу билангина қониқмайди, йўқ, яна режа тузади. Меҳмонга бордикми, энди уларни Фарғонага таклиф қилишимиз, янги Ўзбекистонни кўрсатишимиз керак. Бир юз ўттиздан ортиқ миллат-у элатлар аҳлиноқ, дўст-қадрдон, қуда-анда бўлиб яшаётганини кўришинг, ҳар хил миш-мишларга учимасин, дея енг шимариб ишга киришади. Қатор йиллардан бери журналистларнинг «Чимён» сийхатгоҳида ўтказилаётган маҳорат семинарлари аста-секин халқаро мақомга эга бўлаётгани фикримизнинг далили. Бу тадбирда ҳаммага сўз берилади. Ҳар гал қўшни қирғизистонлик, қозғистонлик, тожикистонлик касбдошлар Фарғонага келишганида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг яхши кўйишчилик, икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш сиёсатини алоҳида эътироф этилади. Ўзбекистон журналистлари ижо-

дий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими фаолиятга ҳавас қилишади. Пойтахтдан борган устозлар эса «Қани энди бу сафарлар мамлакат миқдосига кўтарилса, биз ҳам, ҳеч бўлмаса, фарғоналикларга қўшилиб...» деб умид қилишади.

Гапнинг қисқаси, Муҳаммаджон Обидов мана шундай бошқача жиҳатлари билан кўпчиликнинг кўнглига йўл топган, кўп муаммоларнинг ҳал бўлишига ҳисса қўшган, шу бошқачалигидан ҳаловат топадиган ижодкор. Қўйиб берсангиз, ҳали кўп иш қилади. Сафдошларимиз орасида шундай «бошқача»лар кўпайса эди...

Аҳмаджон МЕЛИБОВ

Фарғона вилояти

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалида «Дўстлик спартакиадаси» бўлиб ўтди. Унда олийгоҳ ўқитувчилари ва талаба ёшлар иштирок этди.



Мусобақа

Шахмат-шашка, стол тенниси, енгил атлетика, арқон тортиш, армрестлинг, қўлларни кубиб ётиш, тош бўтариш каби спорт турлари бўйича беллашувни барча зўр қизиқиш билан кузатиб борди.

Спорт инсоннинг руҳан ва жисмонан етуқ бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Бугунгидай тадбирлар эса жамоанинг янада жипслашиши, дўстона муҳитни мустаҳкамлашга хизмат қилади, – дейди филиалнинг иқтидорли талабалар илмий фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи Нозимахон Мирзаева.

Мусобақа якунида ғолибларга қасаба уюшма кўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Нилуфар ЖАВҲАРОВА

Оғриқ тишлар...

Сирдарё вилояти

Шу йилнинг 13 март куни рафиқам безовта бўлиб, юраги қисаётганидан шикоят қилди. «Тез ёрдам» чақирдик. Беморнинг қон босими ошган, боз устига бироз иссиғи борлиги маълум бўлди. Биринчи ёрдам кўрсатилгач, анча ўзига келиб қолди. Бироқ бу тинчлик эртаси кунни туш пайтигача етди. Бемор яна нафас етишмаётгани, кўкрак қафасининг усти ачишиб оғриётганидан шикоят қилди. Бу гал «Тез ёрдам» хизматини безовта қилмай, зудлик билан ўзимизнинг машинада Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиалига етиб бордик.

Якшанба кунни бўлгани учун шифохонада ҳар доимги «югур-югур» йўқ, қабулхонадаги қизлар қандайдир қоғозларни титкилаш билан овора эди. Ҳамширалардан бири бизни биринчи қаватда жойлашган терапевт хонасига бошлаб борди. Бу ерда ҳам икки нафар бемордан бошқа ҳеч ким йўқ. Навбат билан кирдик. Ҳамшира дарҳол аёлимизнинг ҳароратини ўлчади, навбатчи шифокор қон босимини текширди. Ҳар иккаласи ҳам меъёрдан баланд эди.

– Бу касални биз кўрмаймиз, – деб қолди кўзимга дастлаб анча тажрибали кўринган навбатчи шифокор. – Ҳарорати ўттиз етти-ю олти. Иссиғи чиқиб келган беморларни юкумли касалликлар шифохонасига юбориш ҳақида буйруқ бор.

– Қанақасига? Ким чиқарган бунақа буйруқни? – ҳайрон бўлдим мен.

– Раҳбарларимиз-да, – энсаси қотди навбатчи шифокоринг.

Унинг совуқ муомаласидан, беписанд нигоҳидан «касалнинг кovid-пovid бўлмасин тагин, тезроқ жўнамай-санми?» деган маънони англаш қийин эмасди. Асабим бузилди:

– Қани ўша буйруқ, кўрсам бўладими? – дедим аччиқланиб. – Ким бор ўша буйруқ чиқарган раҳбарларингиздан?

– Нима қиласиз? Бугун якшанба бўлса, раҳбарлар дам оляпти. Навбатчи врачман, мен билан гаплашасиз-ку.

– Кўряпсиз, беморнинг аҳволи оғир. Ҳеч бўлмаса, биринчи ёрдам кўрсатинглар, – дея ялинишга тушдим.

– Кўп гапирмай, «инфекционий»га олиб боринг. Бошқа гап йўқ...

Беморни машинага ўтказиб, юкумли хасталиклар шифохонасига йўл олдик. У ерда навбатчи Муҳаммаджон ака бизни илиқ қарши олди. Беморни текширгач, бошини сарак-сарак қилиб деди:

– Холамини анча уринтириб қўйибсиз. Бу киши айнан «Шошилинич»га ётқизиш керак бўлган касал, – деди ва навбатчи ҳамширага юзланди, – вақтни ўтказмайлик, холани зудлик билан бўш хонага ётқизинглар.



ОҚ ХАЛАТГА ДОҒ ТУШИРМАНГ!

шанба кунни эрталаб беморни вилоят кардиология марказига олиб бордик. Қисқа текширувдан кейин врачлар унинг ўткир миокард инфарктини ўтказганини аниқлашди ва жонлантириш бўлимига ётқизишди. Йўқ, беш қўл баравар эмас, бу ерда муносабат мутлақ бошқача экан. Ҳамма шароит борлиги, тозалик, соқинлик, ҳушмуомала ва малакали муолажа беморни ҳаётга қайтарди.

Даволашни врач – ота касбини оқлаётган тажрибали кардиолог, бош шифокор ўринбосари Ўткир Шодиев, кардиохирург Хуршид Шокиров, бош шифокор Шухрат Хусанов, жонлантириш бўлими ҳамширалари Гулчеҳра Маматқулова, Насиба Абдураимова, Наргиза Йўлдошевларнинг ҳар бирига таъзим қилса арзийди. Эндиликда сирдарёлик кардиологлар юрак шохтомирларини тиклашдай амалиётни маҳорат билан бажариб келяпти.

Очиғи, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиалидаги нохуш воқеадан қаттиқ хафа бўлдим. Маълум бўлишича, ўша кунги врачнинг исми-шарифи Кимёхон Сариева экан. Этиборсизлик шу қадарки, ёрдам сўраб келган беморнинг ушбу масканда бўлгани ҳақида ҳатто қабул журналига қайд ҳам киритилмаган. Тўғриси, эринишган. Бундай нохуш ҳолатга баҳо беришни сўраб, бўлиб ўтган воқеадан марказ директори Санжар Худойбердиевни хабардор қилдим.

– Бунақа буйруқ беришимиз мумкин эмас, – деди раҳбар. – Бунинг устига, бизда якшанба кунни ҳам барча тузилмалар кеча-ю кунду ишлайди. Беморни текшириш, юрагини кардиограмма қилиш, рентген хизматидан фойдаланиш керак эди. Наҳотки, навбатчи врач буларни қилмаган бўлса?

– Буларни қилмагани майли, виждонига ҳавола, лекин беморни кўргани ҳақида ҳатто дафтарга ҳам қайд қил-

мапти. Шошилинич ёрдам кўрсатиш ўрнига, кўчага ҳайдаганига нима дейсиз? – дедим алам ва киноя билан.

– Минг афуски, мана шундай жумла қилишлари билан обрўимизни ерга ураётган ҳамкасбларимиз ҳам йўқ эмас, – деди директор аламини яширолмай. – Биз бу масалага, албатта, муносабат билдираемиз. Умумий йиғилишда кўриб чиқиб, илжо бўлса, сизни ҳам чақирамиз ёки йиғилиш қароридан сизни хабардор қиламиз.

Санжар Собирович шундай деб, менинг телефон рақамларимни ёзиб олди. Ҳақиқатан ҳам, орадан уч кун ўтгач, телефонимга марказ директорининг № 53-буйруқ нусхасини ташлашди. Унда, жумладан, шундай дейилган: «РШТЭИМ СВФ (Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиали)нинг шошилинич терапия ва кардиология бўлими терапевти Сариева Кимё Абдураззоқовнага нисбатан Меҳнат кодексининг 181-модда 1-бандига асосан «хайфсан» интизомий жазоси белгилансин».

Директор сўзида турди. Масала гўё ёпилди. Айбдорига интизомий жазо берилди. Лекин врач Сариеванинг ўша кунги қилиғига меҳнат интизомини бузиш деган баҳо билангина чеклансак, тўғри бўладими? Йўқ, албатта! У қанчалик юксак малакали, зарур мутахассис бўлмасин, ўз шифокорлик бурчига совуққонлик билан ёндашди, оқ халатга доғ тўқди. Мен бу шифокорнинг ўз қилмишидан пушаймон бўлганига ишонгим келади, лекин ишонмайман. Сариеванинг виждони уйғонганида, ўз қилмиши учун бемордан бир оғиз кечирим сўраган бўлар эди. Зеро, айбига иқдор одам, кечирим сўрашга ҳам қодир бўлади!

Мунаввар ПАРДАЕВ, журналист

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси),
- Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
- Анвар АБДУМУХТОРОВ,
- Сайфулло АҲМЕДОВ,
- Акмал САИДОВ,
- Равшан БЕДИЛОВ,
- Кутлимурот СОБИРОВ,
- Сухроб РАФИҚОВ,
- Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
- Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
- Нодира КАРИМОВА,
- Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
- Темур МАМАЖОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўлича),
- Меҳриддин ШУКУРОВ (Маъсул котиб – «Ishonch»),
- Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Қасаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

- Хўдудлардаги мухбирлар:**
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдурахмонов

Мусахҳиҳлар:
С. Шодиева,
Э. Холмухаммедова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **21:30**
Топширилди – **21:40**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Ғ – 306**. 30475 нускада босилди. Нашр қизиклиги: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоиси келишилган нарҳда

Манзилими:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқиди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонасида чоп этилди.
Қорқона манзили:
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130